**28706291 - СОН**
**МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор ва қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари) учун*

**06.01.2022 йил**

Гулистон ш.

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 05.01.2021 йилдаги №27-01-14/25 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "УзМобайл" филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан буён **"Оператор"** деб номланувчи, бир томондан ва РШТЕИМИНИНГ СИРДАРЕ ФИЛИАЛИ номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи РШТЕИМИНИНГ СИРДАРЕ ФИЛИАЛИ, бундан буён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## 2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэътироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

## 3.Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (юз)** фоиз миқдорида олдиндан тўланади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4.**Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 6400000 (олти миллион тўрт юз минг) сўм ни ташкил этади. Ушбу сумма ________ (________) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда ________ (________) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фоиз шарти билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб рақамларига пул маблағларини кўрсатилган хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофик Хизмат учун алосида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. хар бир хисоб-фактурада тақдим этилган ҳизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4.Томонлар жавобгарлиги**

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5.Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув оркали хал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

**6.Алохида шартлар**

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7.Якуний Қоидалар**

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20____ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.**Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хақиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

**8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| **Оператор:** | **Абонент:** |
| --- | --- |
| "Узбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали<br>Манзил: 100015, Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кучаси, 8 уй<br>СТИР: 203366731<br>МФО: 00401<br>ОКЭД: 61100<br>Х/р: 20210000104674838076<br>АТБ "Алоқабанк"<br>Тел.: 998362357, 998397767<br>e-mail: corporate@uzmobile.uz | Мижоз: РШТЕИМИНИНГ СИРДАРЕ ФИЛИАЛИ<br>Манзил: Узбекистан, Сырдарьинская обл., город Гулистан, IBN SINO KO`CHASI, д. 16<br>Банковские реквизиты: 23402000300100001010<br>МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ,РКЦ ГЛ.ОПЕРУ ЦБ<br>ИНН:201122919<br>ИНН: 202910332<br><br>Тел.: |
| Фахрутдинова<br>Imzo:<br>М.Ў. | Худайбердиев<br>Imzo:<br>М.Ў. |

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
Гулистон ш.Ибн Сино-13. Тел:226-36-54, 226-3684
Х/р:401321860244017073102054001
ИНН:202 910 332 МФО:00014 МБ.ХККМ ОКОНХ:91511
Сирдарё вилояти, Ғазначилик бошқармаси
234 020 003 001 000 010 1
ИНН:201 122 919 МФО:00014 МБ.ХКК

O'ZMOBAYL FILIALI

Хуқуқшунос Эгамов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240 № 004060

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma "O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi.

| | | |
|---|---|---|
| | | THSHT (ОПФ) |
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Ochiq aksiyadorlik jamiyati | 1150 |
| | Aksiyadorlik kompaniyasi | MSHT (ФС) |
| Mulkchilik shakli: | Aksiyadorlar | 144 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: | | MHBT (СОАТО) |
| | A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY | 1726266 |
| | | KTUT (ОКПО) |
| Yuridik shaxs kodi: | | 17820078 |
| | | XXTUT (ОКОНХ) |
| Asosiy faoliyat turi: | Elektr va radio aloqasi | 52300 |
| | | STIR (ИНН) |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | 203366731 |

Qo'shimcha ma'lumotlar: AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL [illegible] SANASIDAGI 1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i: S.M.Tairshikov

"O'ZBEKTELEKOM" AK FILIALI SIRDARYO HUDUDIY BOSHQARMASI SHARTNOMALAR UCHUN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# LITSENZIYA
# ЛИЦЕНЗИЯ

**AA № 0005717**

Litsenziya turi
Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana
Дата выдачи: 03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии: с 03.11.2015г. dan / по 03.11.2030г. gacha

Litsenziatning nomi:
Наименование Лицензиата: **Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»**

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001 в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

M.O'.
М.П.
*Rahbarning imzosi:*
*Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии продлен: с ________ dan / по ________ gacha uzaytirildi

M.O'.
М.П.
*Rahbarning imzosi:*
*Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati:
Срок действия лицензии продлен: с ________ dan / по ________ gacha uzaytirildi

M.O'.
М.П.
*Rahbarning imzosi:*
*Подпись руководителя:*

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435

## Тариф режалар ва қўшимча хизматлар

**GSM стандартидаги тариф режалар:**

| Тариф режаси номи | Ўзбекистон бўйлаб чиқиш қўнғироқлар лимити | Тармоқ ичида чиқиш қўнғироқлар лимити | Интернет-трафик лимити | SMS-хабар лимити | Ойлик абонент тўлови, сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| "Business Royal" | Чексиз | Чексиз | Чексиз | 5 000 | 149 900 |
| "Миллий Бизнес 75" | 2 500 | Чексиз | 25 000 | 500 | 75 000 |
| "Миллий Бизнес 55" | 1 500 | Чексиз | 15 000 | 500 | 55 000 |
| "Миллий Бизнес 40" | 1 000 | Чексиз | 10 000 | 500 | 40 000 |
| "Миллий Бизнес 30" | 3 000 | Чексиз | 1 000 | 500 | 30 000 |
| "Миллий Бизнес 25" | 500 | 1000 | 4 000 | 500 | 25 000 |
| "Ишбилармон" | Чексиз | Чексиз | 25 000 | 3 000 | 99 000 |
| "Оддий 10" | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 000 |
| "TA'LIM for corp" | 300 | 1 000* | 8 000 | 500 | 34 900 |
| "Uzmobile M2M" | 150 | 0 | 250 | 0 | 6 310 |
| "UZCARD GSM" | 0 | 0 | 250 | 0 | 6 310 |
| "HUMO GSM" | 0 | 0 | 250 | 0 | 6 310 |

* *«TA'LIM for corp» ТР бўйича чиқиш қўнғироқлари*

**CDMA 450MhZ стандартидаги тариф режалар:**

| Тариф режаси номи | Ўзбекистон бўйлаб чиқиш қўнғироқлар лимити | Тармоқ ичида чиқиш қўнғироқлар лимити | Интернет-трафик лимити | SMS-хабар лимити | Ойлик абонент тўлови, сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| "Оддий" | 250 | 500 | 500 | 250 | 9 900 |
| "Оптимал" | 350 | Чексиз | 350 | 350 | 20 900 |
| "Ажойиб" | Чексиз | Чексиз | 1 000 | 1 000 | 39 900 |
| "Обод" | 150 | 500 | 0 | 0 | 6 300 |
| "M2M CDMA" | 0 | 0 | 100 | 0 | 6 300 |

**GSM стандартида Интернет тўпламлар:**

| № | Интернет тўплам номи | Интернет-трафик лимити | Интернет тўплам нархи | Интернет тўплам муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Интернет тўплам 1 Гб | 1 Гб | 9 000 сўм | 30 кун |
| 2 | Интернет тўплам 1.5 Гб | 1.5 Гб | 14 000 сўм | 30 кун |
| 3 | Интернет тўплам 3 Гб | 3 Гб | 18 000 сўм | 30 кун |
| 4 | Интернет тўплам 5 Гб | 5 Гб | 25 000 сўм | 30 кун |
| 5 | Интернет тўплам 8 Гб | 8 Гб | 35 000 сўм | 30 кун |
| 6 | Интернет тўплам 12 Гб | 12 Гб | 50 000 сўм | 30 кун |
| 7 | Интернет тўплам 16 Гб | 16 Гб | 60 000 сўм | 30 кун |
| 8 | Интернет тўплам 20 Гб | 20 Гб | 65 000 сўм | 30 кун |
| 9 | Интернет тўплам 30 Гб | 30 Гб | 75 000 сўм | 30 кун |
| 10 | Интернет тўплам 50 Гб | 50 Гб | 85 000 сўм | 30 кун |
| 11 | Интернет тўплам 75 Гб | 75 Гб | 110 000 сўм | 30 кун |

**GSM стандартида Non-Stop Интернет тўпламлар:**

| № | Интернет тўплам номи | Интернет-трафик лимити | Интернет тўплам нархи | Интернет тўпламининг иккинчи ойдан нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Интернет тўплам Non-Stop 3 Гб | 3 Гб | 18 000 сўм | 16 200 сўм |
| 2 | Интернет тўплам Non-Stop 5 Гб | 5 Гб | 25 000 сўм | 22 500 сўм |
| 3 | Интернет тўплам Non-Stop 8 Гб | 8 Гб | 35 000 сўм | 31 500 сўм |
| 4 | Интернет тўплам Non-Stop 12 Гб | 12 Гб | 50 000 сўм | 45 000 сўм |
| 5 | Интернет тўплам Non-Stop 16 Гб | 16 Гб | 60 000 сўм | 54 000 сўм |
| 6 | Интернет тўплам Non-Stop 20 Гб | 20 Гб | 65 000 сўм | 58 500 сўм |
| 7 | Интернет тўплам Non-Stop 30 Гб | 30 Гб | 75 000 сўм | 67 500 сўм |
| 8 | Интернет тўплам Non-Stop 50 Гб | 50 Гб | 85 000 сўм | 76 500 сўм |

*Мобил алоқа хизматлари ҳақида тўлиқ маълумот "Ўзбектелеком" АК нинг расмий сайтида кўрсатиб ўтилган –* www.uztelecom.uz.

## Тариф режалар ва қўшимча хизматлар

**GSM стандартидаги тариф режалар:**

| Тариф режаси номи | Ўзбекистон бўйлаб чиқиш қўнғироқлар лимити | Тармоқ ичида чиқиш қўнғироқлар лимити | Интернет-трафик лимити | SMS-хабар лимити | Ойлик абонент тўлови, сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| "Business Royal" | Чексиз | Чексиз | Чексиз | 5 000 | 149 900 |
| "Миллий Бизнес 75" | 2 500 | Чексиз | 25 000 | 500 | 75 000 |
| "Миллий Бизнес 55" | 1 500 | Чексиз | 15 000 | 500 | 55 000 |
| "Миллий Бизнес 40" | 1 000 | Чексиз | 10 000 | 500 | 40 000 |
| "Миллий Бизнес 30" | 3 000 | Чексиз | 1 000 | 500 | 30 000 |
| "Миллий Бизнес 25" | 500 | 1000 | 4 000 | 500 | 25 000 |
| "Ишбилармон" | Чексиз | Чексиз | 25 000 | 3 000 | 99 000 |
| "Оддий 10" | 10 | 10 | 10 | 10 | 10 000 |
| "TA'LIM for corp" | 300 | 1 000* | 8 000 | 500 | 34 900 |
| "Uzmobile M2M" | 150 | 0 | 250 | 0 | 6 310 |
| "UZCARD GSM" | 0 | 0 | 250 | 0 | 6 310 |
| "HUMO GSM" | 0 | 0 | 250 | 0 | 6 310 |

* *«TA'LIM for corp» ТР бўйича чиқиш қўнғироқлари*

**CDMA 450MhZ стандартидаги тариф режалар:**

| Тариф режаси номи | Ўзбекистон бўйлаб чиқиш қўнғироқлар лимити | Тармоқ ичида чиқиш қўнғироқлар лимити | Интернет-трафик лимити | SMS-хабар лимити | Ойлик абонент тўлови, сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| "Оддий" | 250 | 500 | 500 | 250 | 9 900 |
| "Оптимал" | 350 | Чексиз | 350 | 350 | 20 900 |
| "Ажойиб" | Чексиз | Чексиз | 1 000 | 1 000 | 39 900 |
| "Обод" | 150 | 500 | 0 | 0 | 6 300 |
| "M2M CDMA" | 0 | 0 | 100 | 0 | 6 300 |

**GSM стандартида Интернет тўпламлар:**

| № | Интернет тўплам номи | Интернет-трафик лимити | Интернет тўплам нархи | Интернет тўплам муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Интернет тўплам 1 Гб | 1 Гб | 9 000 сўм | 30 кун |
| 2 | Интернет тўплам 1.5 Гб | 1.5 Гб | 14 000 сўм | 30 кун |
| 3 | Интернет тўплам 3 Гб | 3 Гб | 18 000 сўм | 30 кун |
| 4 | Интернет тўплам 5 Гб | 5 Гб | 25 000 сўм | 30 кун |
| 5 | Интернет тўплам 8 Гб | 8 Гб | 35 000 сўм | 30 кун |
| 6 | Интернет тўплам 12 Гб | 12 Гб | 50 000 сўм | 30 кун |
| 7 | Интернет тўплам 16 Гб | 16 Гб | 60 000 сўм | 30 кун |
| 8 | Интернет тўплам 20 Гб | 20 Гб | 65 000 сўм | 30 кун |
| 9 | Интернет тўплам 30 Гб | 30 Гб | 75 000 сўм | 30 кун |
| 10 | Интернет тўплам 50 Гб | 50 Гб | 85 000 сўм | 30 кун |
| 11 | Интернет тўплам 75 Гб | 75 Гб | 110 000 сўм | 30 кун |

**GSM стандартида Non-Stop Интернет тўпламлар:**

| № | Интернет тўплам номи | Интернет-трафик лимити | Интернет тўплам нархи | Интернет тўпламининг иккинчи ойдан нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Интернет тўплам Non-Stop 3 Гб | 3 Гб | 18 000 сўм | 16 200 сўм |
| 2 | Интернет тўплам Non-Stop 5 Гб | 5 Гб | 25 000 сўм | 22 500 сўм |
| 3 | Интернет тўплам Non-Stop 8 Гб | 8 Гб | 35 000 сўм | 31 500 сўм |
| 4 | Интернет тўплам Non-Stop 12 Гб | 12 Гб | 50 000 сўм | 45 000 сўм |
| 5 | Интернет тўплам Non-Stop 16 Гб | 16 Гб | 60 000 сўм | 54 000 сўм |
| 6 | Интернет тўплам Non-Stop 20 Гб | 20 Гб | 65 000 сўм | 58 500 сўм |
| 7 | Интернет тўплам Non-Stop 30 Гб | 30 Гб | 75 000 сўм | 67 500 сўм |
| 8 | Интернет тўплам Non-Stop 50 Гб | 50 Гб | 85 000 сўм | 76 500 сўм |

*Мобил алоқа хизматлари ҳақида тўлиқ маълумот "Ўзбектелеком" АК нинг расмий сайтида кўрсатиб ўтилган –* www.uztelecom.uz.